
"Жадидлар изидан" танловининг туман босқичи ғолиблари аниқланди
20-умумтаълим мактабида "Жадидлар изидан" республика танловининг Учкўприк тумани босқичи ўтказилди.

Қайд этилишича, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган мазкур танлов буюк мутафаккир аждодларимизнинг бой маънавий меросини кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ҳамда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш мақсадида ташкилланган.

Танловнинг туман босқичида 4 та сектор доирасида юқори натижаларни қайд этган ўқувчилар иккита шарт асосида ўз билимларини синовдан ўтказди.

Танлов якунига кўра, 6-8 синфлар ўртасида 54-мактаб ўқувчиси Мухтасархон Мухторова, 9-10-синфлар ўртасида эса 39-мактаб ўқувчиси Дилбаҳор Фуломова ғолиб деб эътироф этилди ва вилоят босқичига йўлланма олди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2024-11-02 15:35:55